

## МАМЛАКАТ ИЖТИМОЙИ-МАДАНИЙ СОҲАСИ РИВОЖИДА МАҲАЛЛИЙ КОРЕЙС ДИАСПОРАСИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ ( ИЖТИМОЙИЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИ)

**Тўлқин Холмуродович Жумаев**

Тошкент шаҳридаги Ёджу техника институти “Ижтимоий-гуманитар фанлар”  
кафедраси муdiri, сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) , доцент

### АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилаётган турли миллат вакилларининг мамлакат ривожига ўзаро ҳамжиҳатликда истиқомат қилиши билан бир жараёнда турли соҳаларда олиб бораётган фаолиятлари асосан корейс диаспораси вакиллари мисолида илмий-статистик маълумотларни изчиллик асосида таҳлил қилинган ҳолатда ёритилган. Мазкур мақолада Корейс миллати вакилларининг Ўзбекистонда нафақат ўзбек халқи билан балки, мамлакатда истиқомат қилаётган бошқа миллат вакиллари билан ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнларда ҳамжиҳатликда ижтимоийлашуви борасидаги илмий-таҳлилий маълумотлар ҳолисона тарзда очиқ берилган.

**Калит сўзлар:** Ҳаракатлар стратегияси, депортация, диаспора, муҳожир, диний бағрикенглик, миллатлараро тотувлик, ҳамкорлик, эзгулик, ҳамжиҳатлик, маънавий меърос, ижтимоийлашув, маданий алоқалар, тарихий воқеа.

### ABSTRACT

The article describes the activities of representatives of different nationalities living in the Republic of Uzbekistan in various spheres, the processes of coexistence of diasporas in the development of the country, mainly in the case of a consistent analysis of scientific and statistical data on the example of Koreans. This article also provides objective and scientific information on the socialization of Koreans in Uzbekistan not only with the Uzbek people, but also with other nationalities living in the country in socio-economic and cultural processes.

**Keywords:** Strategy of action, deportation, diaspora, immigrant, religious tolerance, interethnic harmony, cooperation, goodness, solidarity, spiritual heritage, socialization, cultural relations, historical event.

## КИРИШ

Мамлакат раҳбари Ш.М.Мирзиёев томонидан 2017 йил 7 февралда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 5 устувор йўналиши ҳаракатлар стратегиясининг Хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишларни амалга ошириш бўйича мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча миллат вакиллари ўзаро ҳамжихат ҳолда ватан равнақи йўлида яқдил ҳаёт кечириш ғояси илгари сурилган. Бунда 130 дан ортиқ миллат вакиллари ижтимоийлашувида муҳим роль ўйнаши табиийдир. Ўзбекистонда яшаётган корейс диаспораси ҳамда халқларимиз ўртасидаги алоқалар тарихи қадим замонларга бориб тақалади. Қадимий Афросиёб деворларига туширилган корейс элчилари тасвири, археолог олимлар қазиб олган, корейс халқи ижодига мансуб асори-атиқа топилмалар бу икки халқ ўртасидаги алоқалар қадим даврлардан мавжуд бўлганлигини тасдиқлайди.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Мамлакатимиз аҳолисининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий онг даражасининг ўсиб бориши, жамиятни демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнларининг тобора ривожланиб бориши алоҳида эътиборга моликдир.

Мамлакатлар ўртасидаги турли соҳалардаги муносабатлар ривожига жараёнида юртимизда яшаётган турли миллатларнинг ўрни ҳам муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Ушбу ривожланиш жараёнига катта ҳисса қўшишда мамлакатимизда истиқомат қилиб келаётган корейс диаспорасининг ўрни ҳам катта аҳамиятга эга ҳисобланади. Тақдир тақозоси билан юртимизга кўчириб келтирилган корейслар ўзбек халқи билан даврлар мобайнида дўст-биродар бўлиб яшаб келиши билан бирга, жамиятимизнинг фаол аъзоларига айланиб бормоқдалар. Ҳозирги кунда МДХ ҳудудида яшаётган 500 минга яқин корейс миллатининг 185 мингдан кўпроқ қисми Ўзбекистонда истиқомат қилишади. Ушбу корейс диаспораси кўп миллатли жамиятимизнинг ажралмас қисмига айланган. 2019 йил апрелда янги бинода ташкил этилган Корейс Маданият Маркази Ассоциацияси корейс диаспораси вакиллари маҳаллий ҳамда тарихий ватандошлари бўлган Корея Республикаси халқи билан ижтимоий-маданий соҳаларда кўплаб самарали ишларни амалга ошириб келмоқда.

Корейс миллатига мансуб ватандошларимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатида, маҳаллий Кенгашларда, бошқарув органларида, ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларида фаолият юритаётгани, истиқлол йилларида уларнинг 300 нафарга яқини давлат мукофотларига сазовор бўлгани бунинг яққол тасдиғидир.

Жанубий Корея ҳам худди шу йўлда тобора таракқий этиб бораётган яна бир тинчлик, эзгулик ва ҳамжиҳатлик мамлакати ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, ўзбек ва корейс миллатларининг ўхшашлик, умумийлик жиҳатлари бисёр. Бизларни тил жиҳатдан олтой тиллар оиласи бирлаштириб турган бўлса, ҳудуд жиҳатдан бир қитъа, бир минтақа – Евроосиё ва шарқ умумийлаштириб туради. Тарихий, маданий жиҳатдан ҳам кўплаб уйғунликларни кўриш мумкин. Жафокаш корейс халқи ҳам ўзбеклар сингари ўтмишда кўп бор босқинчилар зулми остида яшашга, уларга қарши қон ва жон курашини олиб боришга мажбур бўлган. Ана шундай қийинчиликлар эвазига бўлса керак, корейслар ҳозирги тинч ва фаровон муҳитда ҳам ўзларининг меҳнатсеварлиги, тиришқоқлиги билан ажралиб туради, янгиликларга қўл уриб, турмуш тарзини янада фаровонлаштиришга интилиб яшайди.

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ҳозирги кунда юртимиз илм фан ривожини йўлида ўзларининг машақатли меҳнати билан ватан равнақига ҳиссаларини қўшаётган корейс диаспораси вакилларининг ҳам ўрни ниҳоятда катта. Буларга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Фанлар академияси аъзоси, иқтисод фанлари доктори Владимир Ким, физика математика фанлари доктори Вячислав Эм, қишлоқ хўжалик фанлари доктори Роберт Ким, биология фанлари доктори Виктор Лим, тиббиёт фанлари доктори Николай Пак, Москва давлат Университети профессори, физика математика фанлари доктори Лев Югай каби заҳматкаш илм эгалари киришади. Шунингдек мамлакатимиз маданияти ва спорти, иқтисодиёти, халқ таълими ривожига ҳам кўплаб жокуяр заҳматкаш ҳамда юксак истеъдод соҳиблари бўлган корейс миллати вакилларининг ҳам ўрни бекиёсдир. Булар орасида Ўзбекистон қаҳрамони Меҳрибонлик уйи директори Вера Пак, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” директори, сенатор Валерий Тянь, Мактабгача таълим вазири Агрепина Шин, Олий Мажлис депутати, Корейс маданият маркази асосацияси директори Виктор Пак, ИИВ қоровул қўшинлари генерал майори Дмитрий Пан, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Галина

Шин, хизмат кўрсатган журналист, ёзувчи Владимир Ким, таниқли рассом Владимир Ан, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Искра Шин, Ўзбекистон WTF тайквандо терма жамоаси бош тренери, “Эйтироф” мукофоти совриндори Александр Ким, “TEGEN” компанияси раҳбари Геннадий Тен, таниқли фоторассом Виктор Ким ҳамда “Илхом” театри актери ва постановкачи режисёри Вячеслав Дзюларнинг хизматлари беқиёсдир.

Ўзаро дўстлик ҳамжиҳатлик ришталарини маданий соҳалардаги амалий ифодаси сифатида 2014 йил 1 сентябр куни Тошкентнинг “Бобур” боғи ҳудудида Сеул боғининг очилиши халқларимиз ўртасидаги ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатлик алоқаларининг мустаҳкамланишида ташланган муҳим қадамлардан биридир.

## ХУЛОСА

Ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ва Корея Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамкорлигида мамлакатда “Корея маданияти ҳафталиги” ўтказилиши, ҳафталик доирасида Корея киноси кунлари, Корея анъанавий амалий санъат усталарининг маҳорат дарслари, бадий ва фото кўргазмалар, корейс кўшиқлари ва нотиклик бадий танлови, Корея мода намоишларини ўтказилиши муносабатлар доирасида янада юксак натижаларга эришишимизга хизмат қилмоқда.

## REFERENCES

1. Мустафакулов, А. А., Халилов, О. К., & Уринов, Ш. С. (2019). Цель и задачи самостоятельной работы студентов.
2. Abdurakhmanov, B. A., & Ayupov, K. S. (2010). Bakhadyrkha nov, MK, Piiev, Kh. M., Zikrillaev, NF, and Sapa miyazova, ZM, Low Temperature Diffusion of Impurities in Silicon. In *Dokl. Akad. Nauk Resp. Uzb* (No. 4, p. 32).
3. Бахадырханов, М. К., Зикриллаев, Н. Ф., Аюпов, К. С., Бобонов, Д. Т., Кадырова, Ф. А., & Ильхомжонов, Н. (2006). Спектральная область существования автоколебаний тока в кремнии, легированном марганцем. *Журнал технической физики*, 76(9), 128-129.
4. Абдурахманов, Б. А., Аюпов, К., Бахадырханов, М. К., Илиев, Х. М., Бобонов, Д. Т., & Зикриллаев, Н. Ф. (2010). Сапар-ниязова ЗМ, Тошев А. Низкотемпературная диффузия примесей в кремнии. *Доклады АН РУз*, (4), 32.

5. Bakhadir Khanov, M. K., Ayupov, K. S., Zikrillaev, N. F., Kadirova, F. A., & Bobonov, D. T. (2002). Strongly compensated silicon as a new class of materials for electronics.
6. Taylanov, N. A., Dzhuraeva, N. M., & Bobonov, D. T. (2019). Diffusion evolution of electromagnetic perturbations in superconductors. *Uzbekiston Fizika Zhurnali*, 21(2), 130-132.
7. Бахадырханов М.К., Исамов С.Б., Илиев К.М., Камалов К.У. (2015). Аномально долгое время жизни дырок в кремнии с нанокластерами атомов марганца. *Полупроводники*, 49 (10), 1332-1334.
8. Хасанова, Г. (2021). ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ПЕДАГОГЛАРИНИНГ КРЕАТИВ ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МАЗМУНИ. *Academic research in educational sciences*, 2(1).
9. Халилов, О. Қ., & Бобонов, Д. Т. (2021). КИМЁ ВА ФИЗИКА КУРСИНИ ЎҚИТИШДА ЛАБОРАТОРИЯ ИШЛАРИНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ. *Scientific progress*, 2(6), 199-203.
10. Хасанова, Г. И. Қ. (2021). БОЛАГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТАЪЛИМНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ТАРБИЯЧИНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТСИЯСИНИНГ АҲАМИЯТИ. *Academic research in educational sciences*, 2(9), 1051-1056.